*Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси*

# СЕССИЯ КУНДАЛИГИ

## ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

Иттифоқ Советининг иккинчи мажлиси 28 октябрь соат 14 да Катта Кремль саройида очилди. Мажлисда **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, В. В. Шчербицкий, А. И. Лукьянов, Г. П. Разумовский, Ю. Ф. Соловьев, Н. В. Тализин, О. Д. Бакланов** ўртоқлар иштирок этдилар.

Палата раиси **Ю. Н. Христораднов** раислик қилди.

Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари депутат **Қ. Саликовга** сўз берилади. (Депутат Қ. Саликов нутқи газетанинг учинчи саҳифасида эълон қилинмоқда).

Танаффусдан кейин Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси бўлди. Мажлисда сессия кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилди.

Қозоғистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **Е. Ф. Башмаков** нотиқларнинг келгуси йил Давлат плани ва бюджетини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифига қўшилди. Нотиқ Қозоғистон меҳнаткашлари ўз ишларининг натижаларига танқидий баҳо бераётганликларини қайд этиб ўтди. Ишлаб чиқариш ҳамон серҳаражат бўлиб қолмоқда, бу эса, жумладан, бир қанча тармоқлар ишининг маромини таъминламаяпти. Ишлаб чиқариш планлари билан моддий ресурсларнинг номутаносиблиги ҳамон салбий таъсир ўтказмоқда. Депутат қайта қуриш Советларнинг амалдаги тўла ҳокимияти тобора таъминланишини тақозо этишини таъкидлади. Советлар билан корхоналар ўртасидаги янги ўзаро муносабатларни вужудга келтирувчи қонун актлари даркор.

ВЛКСМ 50 йиллиги номли Котласс целлюлоза қоғоз комбинати аппаратчиси, депутат **В. П. Кучина** ўз корхонаси муаммоларига эътиборни қаратди. Ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлаш ана шу муаммолар орасида энг муҳимидир. Шаҳар ва областдаги экология муаммоси ўткирлашди, деди у. Одам соғлиғи учун зарарли бўлган айрим химиявий бирикмаларнинг ҳаводаги миқдори йўл қўйиш мумкин бўлган миқдордан ортиб кетди. Биз ана шу вазифаларни ҳал этишда олимлар ва машинасозлардан конкрет ёрдам кутамиз.

Фундаментал фан илмий-техника тараққиётининг негизи бўлиб келди, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам шундай бўлади, юқори малакали кадрлар тайёрлаш эса давлат учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир, деб таъкидлади М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг ректори, академик, депутат **А. А. Логунов.** Ўтмишда, узоқ давр мобайнида биз ана шу муаммоларга зарур эътибор бермадик. 1989 йилни бурилиш йили деб қараш мумкин. Аммо, маблағ ажратиш кўпайишининг ўзи фундаментал фанимизни ҳам, таълимни ҳам ҳали танг аҳволдан чиқара олмайди, чунки биздаги илмий приборсозлик ва ҳисоблаш техникаси саноати ниҳоятда қониқарсиз аҳволдадир. Бу фанимиз равнақига ҳалал бераётган асосий масаладир.

Олтой ўлкасидаги «Бийск химия комбинати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори депутат **А. В. Карпов** ўз корхонасида социал-иқтисодий ривожланиш масалалари қай йўсинда ҳал этилаётгани ҳақида гапириб берди. У эндиликда ҳар бир цехда дурустгина маиший комплекслар, соғломлаштириш марказлари, дам олиш бурчаклари борлигини айтди. Бутун коллектив куч-ғайрати билан маданият ва техника саройи, стадион ва пионер лагери, дам олиш базаси бунёд этилди. Болалар муассасалари муаммоси тўла ҳал этилган. Уй-жой муаммосини ҳал этиш учун ёшлар уй-жой кооперативи ташкил этилди, якка тартибда коттежлар қуришга киришилмоқда. Ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш программаси амалга оширилмоқда.

Ҳозир муҳокама қилинаётган ҳужжатларнинг лойиҳаларида социал-маданий соҳани устун даражада ривожлантириш лозимлиги ишончли тарзда акс этган, деди мамнуният билан СССР маданият министри **В. Г. Захаров.** Худди ана шу йўсинда маданий революциянинг ленинча концепциясини тиклаш йўли намоён бўлмоқда. Сўнгги пайтда бир қанча муҳим масалаларни ўлик нуқтадан силжитишга эришилди. Айни вақтда нотиқ мамлакатдаги кўпчилик регионларда маданият муассасаларининг аҳволи ночор эканлигини, маҳаллий раҳбарлар бу борада ғамхўр дўст ҳам, манфаатдор хўжайин ҳам бўлишмаётганини таъкидлаб ўтди. Бу маданиятга нисбатан қолдиқ принципининг асоратидир.

КПСС Доғистон область комитетининг биринчи секретари **М. Ю. Юсупов** Доғистондаги ишлар аҳволини таҳлил қилар экан, 1989 йилда автоном республикада ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишини айтди. Корхоналар ўртасидаги шартномаларга кўра, бевосита алоқалар негизида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми кўпаяди. Бу эса келгуси йил планини мазмунини принципиал жиҳатдан ўзгартиради, чунки эндиликда планнинг негизини тузилган шартномалар миқдори белгилаб беради. Аммо барча министрликлар ҳам ана шу қоиданинг принципиал муҳимлигини тасаввур этишаётгани йўқ. Республикамизда, деди нотиқ, кўпчилик корхоналар шартномаларни бор-йўғи 70—80 процент атрофида туза олдилар.

Транспорт ва алоқа доимий комиссиясининг аъзоси, «Главзападуралстрой»га қарашли «Пермстройтранс» трести 10-автобазасининг ҳайдовчиси, депутат **В. И. Тимочкин** мамлакат темир йўлларида содир бўлган таҳликали аҳвол ҳақида гапирди. Бир қанча йўналишларда поездларни ўтказиб юбориш имконияти қарийб батамом тугаган. Авариялар тез-тез содир бўлиб турибди. Тармоқнинг моддий-техника базасини ривожлантириш оқсамоқда. Йўл хўжалигининг аҳволи айниқса ташвиш туғдирмоқда. Айни вақтда, деб уқтирди нотиқ, СССР Оғир машинасозлик министрлиги, СССР Қора металлургия министрлиги, СССР Рангли металлургия министрлиги темирйўлчилар меҳнатини енгиллаштириш учун машиналар ишлаб чиқаришда жиддий қолоқликка йўл қўймоқдалар. Депутат Пермь областидаги экологик муаммолар хусусида ҳам гапирди.

Калинин областидаги Калинин номли колхоз раиси депутат **Н. А. Полазнов** ўз нутқида Ноқоратупроқ зонанинг қишлоқ меҳнаткашлари кундалик ишлари билан қайта қуришни жадаллаштиришга кўмаклашишга ҳаракат қилаётганликлари ҳақида гапирди. Коллектив пудрати ва хўжалик ҳисобини кенг жорий этаётган, меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишни такомиллаштираётган колхоз озуқа экинларидан муттасил юқори ҳосил олмоқда, сут ва гўшт етиштиришни кўпайтирмоқда. Хўжаликнинг муваффақиятга эришишига социал соҳани ривожлантириш масалаларини комплекс ҳал этиш кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда. Кўпроқ уй-жой қуришимиз керак, аммо қурилиш материаллари билан таъминлаш оқсаётгани учун бу масалани ҳал этиш секинлашмоқда.

КПСС Амур область комитетининг биринчи секретари депутат **Л. В. Шарин** планда белгиланган тадбирларни амалга ошириш Узоқ Шарқ регионида экономиканинг оқилона структурасига ва ривожланган социал соҳага эга бўлган юқори самарали халқ хўжалиги комплекси бунёд этилади, деб умид қилишга имкон беради, деди. Нотиқ область меҳнаткашларининг муваффақиятлари ҳақида гапирар экан, ҳали кўп режалар рўёбга чиқмаётганлигини тан олди. Областдаги қурилиш базаси ниҳоятда заиф бўлганлиги сабабли муҳим объектларни муддатида ишга туширишнинг иложи бўлмаётганлиги чирсиллаб турган масалалардан биридир. Қурилиш ташкилотларига маблағларни марказлаштирилган тартибда, барвақтроқ етказиб бериш, уларни буюртмачилар билан баҳслашишдан холи этиш керак.

Шу билан Иттифоқ Советининг иккинчи мажлиси тугади.

(ТАСС).

## ПАЛАТАЛАРНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг иккинчи қўшма мажлиси 28 октябрь соат 17 да Катта Кремль саройида очилди.

Мажлис аҳли **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, В. В. Шчербицкий, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Ю. Ф. Соловьев, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олди.

Мажлис Иттифоқ Совети Раиси **Ю. Н. Христораднов** раислигида ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси депутат **Ю. Д. Маслюков** СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги Давлат плани ва 1988 йилги план қандай бажарилаётгани ҳақида якунловчи нутқ сўзлади.

Мамлакатнинг олий органида демократия ва ошкоралик вазиятида экономикани ривожлантиришнинг кўп жиҳатлари танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилди, деди у. Планнинг совет халқи ҳаётий эҳтиёжларига қанчалик мослигига ҳар томонлама баҳо берилди. План XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларига, конференция белгилаб берган социал-иқтисодий ривожланишнинг устун жиҳатларига қанчалик мослиги қатъий ижтимоий экспертизадан ўтди.

План лойиҳаси кўриб чиқилаётганда План-бюджет комиссиялари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини тахминан 1,7 миллиард сўмлик кўпайтириш ҳақида таклиф киритдилар. Бу тузатиш қабул қилинди ва давлат буюртмасига тегишли аниқлик киритилди.

Палаталарнинг доимий комиссияларида ва СССР Олий Совети сессиясида сўзга чиққан депутатларнинг нутқларида кўтарилган таклиф ва мулоҳазалар энг муҳим масалаларга тааллуқлидир, деб таъкидлади нотиқ. Бу масалалар орасида, докладда таъкидлаб ўтилганидек, ресурсларни тежаш асосида эришиладиган планнинг мутаносиблиги, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўсишининг нисбати, капитал маблағларнинг самарадорлигини ошириш ва инвестиция соҳасида хўжалик механизмини такомиллаштириш сингари муаммолар бор. Ана шу масалаларни ҳал этиш учун ҳукумат бир қанча чоралар кўришни мўлжалламоқда.

Шундан кейин нотиқ СССР Олий Совети сессияси биринчи марта камомадли Давлат бюджетини кўриб чиқаётганлигини айтди. Мазкур камомад иқтисодий ишимиздаги умумий камчилигимиз бўлган зарар кўриб ишлаш, ресурслардан паст самара кўриб фойдаланиш, унумсиз харажатлар ва нобудгарчиликларни яққол акс эттиради. Ҳаммамизнинг олдимизда яқин икки йил, яъни 1989 ва 1990 йилларда молиявий аҳволни соғломлаштиришга эришиш вазифаси турибди. Шу мақсадда янги хўжалик механизмининг имкониятларидан активроқ фойдаланиш лозим.

Регионларда ўзини-ўзи пул билан таъминлаш принципларига ўтишга тайёргарлик катта аҳамиятга эга бўлади. Ҳозирги вақтда бу йўналишда ҳукумат комиссияси катта тайёргарлик ишларини авж олдириб юборди.

Планни муҳокама қилиш давомида мамлакатни 1989 йилда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг бошқа масалалари хусусида ҳам таклифлар киритилди. Бу таклифларнинг кўпчилиги СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари компетенциясига тааллуқлидир ва улар томонидан ҳисобга олиниши керак.

СССР Олий Совети иккала палата доимий комиссияларининг тузатишларини ҳисобга олиб, палаталарда алоҳида-алоҳида овоз бериш йўли билан СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги Давлат плани тўғрисидаги Қонунни якдиллик билан қабул қилди.

СССР Олий Совети 1988 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани қандай бажарилаётгани тўғрисида қарор қабул қилди.

СССР молия министри депутат **Б. И. Гостев** СССРнинг 1989 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги масала хусусида ва 1987 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисида якунловчи нутқ сўзлади.

Комиссияларнинг бюджет тўғрисидаги хулосаларида, депутатларнинг сессиядаги нутқларида, деди у, экономикани ривожлантиришнинг молиявий жиҳатларига кўп эътибор берилди, келгуси йил бюджетининг даромад ва харажатга оид асосий моддалари ҳар қачонгидан ҳам батафсил таҳлил этилди.

План ва бюджетда XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришни, унинг бутун ижтимоий турмушини қайта қуришни чуқурлаштиришга қаратилган йўли ўз аксини топганлиги тўғрисида асосий хулоса чиқарилди. Депутатлар ижтимоий ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш асосида социал соҳага, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга, уй-жой қурилишига, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга молиявий ресурсларни устун даражада йўналтиришни қўллаб-қувватлашди.

Шу билан бирга депутатлар муҳокама чоғида мураккаб молиявий аҳвол ҳақида, бюджетнинг номутаносиблиги тўғрисида ташвиш билан гапирдилар. Айни вақтда молия соҳасини ва пул муомаласини мустаҳкамлашнинг конкрет йўналишлари таклиф этилганлиги муҳимдир. Депутатлар туб иқтисодий ислоҳот афзалликларидан яна ҳам тўлароқ фойдаланиш, ҳамма ерда хўжалик юритиш даражасини кўтариш ва давлатнинг қўшимча даромад олишини кўпайтириш, моддий ва молиявий ресурслар сарфида қаттиқ тежамкорликни йўлга қўйиш лозимлигини таъкидладилар.

Депутатлар доимий комиссияларнинг тузатишларини ҳисобга олиб, палаталарда алоҳида-алоҳида овоз бериш йўли билан СССРнинг 1989 йилги Давлат бюджетини умуман даромадлар бўйича 459 миллиард 814 миллион 445 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 494 миллиард 797 миллион 545 минг сўм миқдорида якдиллик билан тасдиқладилар, шунингдек, 1989 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунни қабул қилдилар.

СССР Олий Совети СССРнинг 1987 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шундан кейин СССР Олий Совети Президиумининг секретари **Т. Н. Ментешашвили** «СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида» доклад қилди.

Минбарга Эстония ССР Тарту шаҳридаги асбобсозлик заводи токарь-автоматчилар бригадасининг бошлиғи, депутат **П. П. Горюнов** чиқади.

Митинглар ва намойишлар ўтказиш чоғида жамоат тартибини сақлашга оид масалалар хусусидаги Қонун актлари тасдиқлаш учун тақдим этилган, деди у. Эстония ССРдаги халқнинг ана шу актларга қизиқиши катта. Тартибни сақлашнинг ишончли механизми зарурлиги ҳаммага тушунарлидир, деб сўзини давом эттирди нотиқ. Аммо бу вазифалар Қуролли Кучлар томонидан бажарилиши керакми? Агар бу ҳақиқатан ҳам зарур бўлса, Қонунда жамоат тартибини сақлаш учун ҳарбий қисмлар, ҳарбий хизматчилар қачон жалб этилиши аниқ белгиланган бўлиши керак. Депутатнинг фикрича, ушбу ҳолда иттифоқдош республикалар ўз фикрини айтиш ҳуқуқига, жамоат тартибини сақлаш учун қўшинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги хусусида узил-кесил қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Нотиқнинг фикрича, ички қўшинларга махсус воситалардан фойдаланиш ҳуқуқи берилган экан, ана шундай воситаларнинг рўйхати тўғрисидаги масала Қонун йўли билан тартибга солиниши ҳам керак.

Фармондаги ҳарбий хизматчиларнинг гражданларнинг уйларига кириш ҳуқуқи тўғрисидаги масалага ҳам аниқлик киритиш талаб этилади, деди сўнгра нотиқ. Нотиқ, ҳар бир республикада йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар ўтказишнинг мавжуд анъаналари ҳам эътиборга олиниши керак, деб уқтирди.

Депутат СССР Олий Совети Президиумига айтилган мулоҳазалар ва тузатишларни инобатга олиб, мазкур ҳужжатларни тўлдириш ва уларни навбатдаги сессияда тасдиқлаш учун тақдим этиш тўғрисида таклиф киритди.

Шундан кейин Москва метро қурилиши проходкачилар бригадаси бошлиғи депутат **А. С. Суханов** сўзга чиқди.

Мени ҳам, кўплаб москваликларни ҳам айрим кишилар демократияни ўзбошимчалик, деб ўйлаётганлиги ташвишлантирмоқда, деди у. Сохта революцион иборалар, масъулиятсизлик билан қилинаётган маҳмадонагарчилик ва шаҳримиз кўчалари ҳамда майдонларидаги сафсатабозлик қилишдан ташқари қайта қуришга бирон бир реал ҳисса қўшмаётган одамлар ҳам қайта қуришга илашиб олаётганликларидан кўз юмиб бўлмайди.

Афсуски, айрим кишилар, айниқса, ёшларнинг бир қисми кўчадаги мажлисбозликни қайта қуришнинг гўё худди бош якуни ва мақсади, деб билмоқда. Биз қайта қуриш шарофати билан одамларнинг активлиги ошганидан хурсандмиз. Лекин баъзан митингбозлик бемаъниликка айланиб кетмоқда.

Дарҳақиқат, митинглар ўтказиш ҳуқуқи гарантияланган бўлиб, ундан фойдаланиш керак, деди сўнгра нотиқ. Ахир биз, социалистик тузум, социалистик демократияни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида, одамнинг қадр-қиммати ҳурмат қилиниши, шахс ишончли тарзда ҳимоя қилиниши учун ўз ҳаётимизни қайта қурмоқдамиз. Шу боисдан ҳам мен совет гражданларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми, шу ҳуқуқларни менсимаётган одамларга самарали таъсир этишга қодир бўлган қонунлар зарурлигини ниҳоятда муҳим, деб ўйлайман.

Депутат СССР Олий Совети Президиумининг СССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Фармонини, ушбу Фармонни социалистик ҳуқуқий давлат бунёд этиш йўлидаги яна бир қадам деб қараб, тасдиқлашни таклиф этди.

Халқ депутатлари Киев шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси депутат **В. А. Згурский** бундай деди: қайта қуриш жамият олдига турмушимизнинг барча жабҳаларини демократиялаш теранлашуви туфайли юзага келган янги ҳодисаларни қўйди. Ҳозирги сессияда кўриб чиқилаётган Фармон ана шу ҳодисаларга муносабатларни белгилайди ва уларни системалаштиради. Ушбу Фармон ошкоралик ва демократиялаш сиёсатини амалга оширишнинг ишончли дастури сифатида зарурдир.

Мамлакатнинг бошқа айрим йирик шаҳарларида бўлгани сингари Киевда ҳам Фармонга қадар норасмий бирлашмаларнинг ташаббуси билан бўладиган митинглар ва намойишларни ўтказишга алоқадор, агар таъбир жоиз бўлса, «ишкал» баъзи масалалар пайдо бўлган эди. Ҳокимият органлари ҳаракатининг аниқ-пухта бўлишини белгилаб берадиган ва айни вақтда гражданларнинг Конституциядаги ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла рўёбга чиқишига ёрдам берадиган ана шундай юридик ҳужжатга кучли эҳтиёж сезилиб турган эди. Ниҳоят, Фармон эълон қилиниши билан ана шундай гарантияларга эга бўлдик. Аммо шу Фармоннинг ўзигина ҳали етарли эмас, албатта. Ана шу ҳужжат қоидаларини тушунтириш, одамлар билан ҳамиша иш олиб бориш, етилган муаммоларни биргаликда ҳал этиш йўлларини қидириш керак.

Ҳуқуқий масалалар ҳақида, жумладан, мазкур Фармон тўғрисида одамларни кенг кўламда хабардор қилиш лозимлигини таъкидлар экан, депутат оммавий ахборот воситаларига илтимос билан мурожаат қилиб, ошкоралик ва демократиялашнинг олижаноб шиорларини рўкач қилиб, қонунларимиз талабларини амалга ошириш ишида халқ Советларига бўлган ишончга путур етказишга уринаётган кимсаларнинг изинига тушмасдан, холис ахборот беришга даъват этди.

Шундан кейин доклад юзасидан мукозараларда сўзга чиқиш истагини билдирганлар бўлмади.

СССР Олий Совети Президиумининг СССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Фармонини тасдиқлаш тўғрисидаги таклиф овозга қўйилди.

Миллатлар Советида овоз беришда 685 депутат иштирок этиб, шулардан 672 киши Фармонни ёқлаб овоз берди, 12 киши унга қарши овоз берди, бир киши бетараф қолди.

Иттифоқ Советида 697 депутат овоз берди, шулардан 696 киши Фармонни ёқлаб овоз берди, бир киши қарши овоз берди.

Фармон Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети депутатларининг мутлақ кўпчилик овози билан тасдиқланди.

Шундан кейин СССР Олий Совети Президиумининг жамоат тартибини сақлашда СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг бурчлари ва ҳуқуқлари тўғрисидаги Фармонини тасдиқлаш тўғрисидаги таклиф овозга қўйилди.

Миллатлар Советида 656 депутат Фармонни тасдиқлашни ёқлаб овоз берди, 25 депутат қарши овоз берди, 4 киши бетараф қолди,

Иттифоқ Советидаги овоз бериш натижалари эълон қилинади. 691 депутат Фармонни ёқлаб овоз берди, 6 депутат қарши овоз берди.

Шундай қилиб, Олий Совет иккала палатасининг мутлақ кўпчилик депутатлари овози билан Фармон тасдиқланди.

Сессия СССР Олий Совети Президиумининг «СССРнинг Балиқ хўжалиги иттифоқ-республика министрлигини СССР Балиқ хўжалиги умумиттифоқ министрлигига айлантириш тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш тўғрисида» ҳамда «СССР Министрлар Совети тўғрисида»-ги СССР Қонунининг 23 ва 24 моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида; «СССРнинг баъзи Қонун актларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида»ги СССР Қонунини қабул қилди.

Иккала палатанинг депутатлари бир вақтнинг ўзида овоз бериб, СССР Олий Совети Президиумининг СССР министрларини лавозимидан озод қилиш ва тайинлаш тўғрисидаги Фармонини тасдиқлаш ҳақида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

Иккала палата депутатлари бир вақтнинг ўзида овоз бериб, СССР Олий суди составидаги ўзгартишлар тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш ҳақида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

Шу билан ўн биринчи чақириқ ССР Иттифоқи Олий Совети ўн биринчи сессияси ёпиқ деб эълон қилинади.

(ТАСС).

# ОРОЛ ДЕНГИЗИ: СЎЗДАН АМАЛИЙ ИШГА ЎТИШ КЕРАК

### СССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ИШЛАРИ ҚАНДАЙ БОРАЁТГАНИНИ ЎРГАНМОҚДА

НУКУС, 29 октябрь. (ЎзТАГ). СССР Халқ контроли комитети комиссиясининг кеча Нукусда бўлиб ўтган сайёр мажлисида партия ва ҳукуматнинг Орол бўйидаги экологик ҳамда санитария вазиятини тубдан яхшилашга доир қарорлари бажарилиши устидан доимий назоратни ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

Бу комиссия КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети белгилаган топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш учун тузилган. Комиссия составида СССР Халқ контроли комитетининг масъул ходимлари, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР халқ контроли комитетлари раисларининг ўринбосарлари бор. Мажлисда регионидаги республика, область ва бир қанча район халқ контроли органларининг раҳбарлари ҳам қатнашдилар.

Партия билан ҳукумат белгилаган чора-тадбирлар катта социал-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга эканлиги қайд этиб ўтилди. Гап ҳозир яшаб турган ва келгуси авлодларга мансуб миллион-миллион совет кишиларининг соғлиғи тўғрисида боряпти. Гап мамлакат бойликларига нисбатан тежамкорлик, чинакам омилкорлик билан муносабатда бўлиш ҳақида боряпти. Ишлаб чиқарувчи кучларни ўстиришнинг ҳозирги миқёслари ва суръатлари хўжалик юритиш усулларидагина эмас, шу билан бирга раҳбар кадрларнинг ҳам, оддий меҳнатчиларнинг ҳам фикрлашида, психологиясида туб ўзгартишларни тақозо этади.

Бу соҳада муайян ишлар олиб борилмоқда. Аммо назоратсизлик, бюрократизм ва сансалорлик, маҳкамачилик ва маҳаллийчилик асосидаги ёндашувлар сабабли яхши режалар кўпинча қоғозда қолиб кетади. Оролга ёрдам программасининг ҳар бир сатри бажарилиши устидан доимий ва амалий назоратни йўлга қўйиш — барча даражалардаги халқ контроли органларининг вазифасидир. Бунда шу ишни дарҳол — барча объектлар планларга ўз муддатида ва тегишли даражада расмийлаштирилиб киртилиши учун лойиҳалаш ва планлаштиришни назорат қилишдан бошлаш керак.

— Шу ҳафта Орол бўйидаги бир қанча районларда бўлиб, биз бу ўлкадаги экология ва айниқса, санитария-эпидемиология вазиятини яхшилаш билан илгарироқ шуғулланиш керак эканлигига ишонч ҳосил қилдик, — деди комиссияга бошчилик қилаётган СССР Халқ контроли комитети раисининг ўринбосари В. И. Манаев. — Вазият жуда шошилинч чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда. Бизнинг фикримизча, биринчи навбатда регион аҳолисига нормал турмуш шароитларини яратиб беришни тезлаштириш: янги ичимлик сув манбаларини қидириб топишни жадаллаштириш, соғлиқни сақлаш ва сув таъминоти объектлари, канализация ва тозалаш иншоотлари қурилиши муддатларини қисқартириш керак. Комиссиянинг келгуси йил ўрталаригача мўлжалланган ва биз Нукусда тасдиқлаган иш плани айни мана шуни ҳисобга олиб тузилган. План, қурилиш, таъминот, қишлоқ хўжалик идоралари ҳамда бошқа идоралар раҳбарларининг ҳисоботини ойига камида бир марта тинглаб турамиз. Декабрь ойидаёқ СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Орол бўйи аҳолиси соғлиғини мустаҳкамлашнинг 1988—1995 йилларга мўлжалланган тармоқ программаси қандай ишлаб чиқилаётгани ҳақидаги ҳамда СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг Қорақалпоғистон АССРда сувни чучуклаштирадиган қурилмалари бўлган сув чиқариш қудуқларини барпо этишга доир ишлар тўғрисидаги ҳисоботини тинглаймиз.

Топшириқларни барбод этган тақдирда, масъул (тўғрироғи, масъулиятсиз) шахсларни ишдан олиб ташлашгача қаттиқ чоралар кўзда тутилган.

Комиссия матбуот, телевидение ва радио билан қалин алоқа боғлаб кўрилаётган чора-тадбирлар, юзага келаётган муаммолар тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор этиб, министрликлар ҳамда идораларнинг ишидаги ютуқлар ва камчиликларни холис кўрсатиб боради. Ўйлаймизки, ушбу масалалардаги ошкоралик белгиланган режаларни бажаришнинг ишончли кафолоти бўлиб қолади.

## БОЙҚЎНҒИР КОСМОДРОМИДА

«Бўрон» орбитал кемаси билан «Энергия» учирувчи ракетасининг стартолди тайёргарлиги якунловчи босқичида учиришни таъминлаш системаларидан бирининг иши ўзгариб қолди. Шу муносабат билан бундан буёнги ишларни тўхтатишга автомат тарзда команда берилди. Ҳозир аниқланган камчиликлар тугатилмоқда.

Стартнинг куни ва вақти қўшимча равишда хабар қилинади.

**(ТАСС).**

## *Фан хўжалик ҳисобида: муаммолар ва истиқболлар*

Совет Иттифоқидаги машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика комплексининг 1200 дан ортиқ илмий ташкилоти ҳозир тўла хўжалик ҳисоби шароитида ишламоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар иқтисодчи олимларининг Ўзбекистон пойтахтида ўз ишини тугаллаган семинар-кенгашида янги шароитда ана шу илмий ташкилотлар фаолиятининг натижалари, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидаги касбдошлар олиб бораётган ишлар муҳокама қилинди. Семинар-кенгашни СССР Фан ва техника давлат комитети ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши секретариати ташкил этган эди.

— Тошкент семинари қардош социализм мамлакатлари иқтисодчи олимларининг хўжалик юритишнинг янги шаклларига ўтишга доир ишларининг асосий йўналишларини белгилаб берди, — деди ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда ташкилот комитети раисининг ўринбосари, СССР Фан ва техника давлат комитети хўжалик механизми бўлимининг бошлиғи Б. Д. Моторигин. — Семинарда кенг фикрлашиб олинди, мунозараларда барча делегацияларнинг аъзолари иштирок этдилар. Табиийки, семинар якунини чиқаришга ҳали эрта. Лекин бир нарса равшан: илмий ишланмалар ҳамда фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш билан оператив ва юқори сифатли шуғулланиб келаётган энг самарали илмий ташкилотларга устунлик берилади, чунки пировард натижада уларнинг молиявий аҳволи ана шу ишга боғлиқ бўлади.

Кенгаш қатнашчилари таъкидлаб ўтганларидек, ижобий силжишларга қарамай, кўпгина муаммолар ҳал этилмай қолмоқда. Энг муҳими шундаки, иқтисодий таҳлил усули тўла куч билан ишлаши керак, иқтисодий таҳлилдан мақсад фандаги стратегик йўналишларни дарҳол аниқлаб олиб, истиқболсиз ишлар йўлига пухта ғов солишдан иборат.

Семинарда фан соҳасида давлат буюртмаларининг роли тўғрисида баҳслар бўлди. Иқтисодчи олимлар давлат буюртмаси ҳали илмий-тадқиқот ва конструкторлик-технология ташкилотларини пул билан таъминлашнинг конкурс манбаига айланмаганлигини таъкидладилар. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, давлат буюртмаси асосида бажариладиган ишларнинг рентабеллик даражаси хўжалик шартномаси асосида бажарилаётган ишларга нисбатан анча пастлигича қолмоқда.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг иқтисодчи олимлари якунловчи ҳужжат қабул қилдилар. Бу ҳужжатда ҳамкорликнинг бундан буёнги йўллари белгиланган, энг муҳим вазифалар аниқлаб берилган.

(ЎзТАГ).

## УЙ-ЖОЙЛАРИМИЗ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг 29 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган V пленуми турар жой муҳитини шакллантириш масалаларига бағишланди.

Пленумда қайд этиб ўтилганидек, «Уй-жой-2000» программаси қабул қилинганидан кейин ҳам турар жой муҳитининг сифати ҳамон эътирозларга сабаб бўлмоқда. Айрим ижодий муваффақиятлар кўримсиз микрорайонларда йўқ бўлиб кетмоқда. Ҳажмли блок уйсозлиги суст ривожлантирилмоқда, якка ва кооператив уй-жой лойиҳалари хусусан маҳаллий материаллардан қуриладиган уй-жой лойиҳалари соҳасида олиб борилаётган ишларда камчиликлар оз эмас.

Архитекторлар, олимлар, қурувчиларнинг ҳамкорлигигина билангина бекаму-кўст турар жой муҳитини вужудга келтириш мумкинлигини нотиқлар уқтириб ўтишди. Лойиҳа-қурилиш жараёнини қайта ташкил этиш, шаҳарлар қурилишида маҳаллий Советларнинг ролини ошириш — асосий муаммолар жумласидандир. Республикада шаҳарларнинг ва шаҳар типидаги посёлкаларнинг фақат ярмигина нисбатан янги бош планлар билан таъминланганига ҳам тоқат қилиб бўлмайди. Ҳатто, Тошкентда ҳам пухта тузилган бош план йўқ, бу эса Архитектура-планлаштириш бош бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар ижроия комитети раҳбар ходимларининг ўзбошимчалик билан буйруқ бериш руҳидаги қарорларни қабул қилишлари йўлига ғов солиш имконини бермайди. Демографик вазият ривожланишини эътиборга олиб, уй-жой типларини такомиллаштириш, қурилиш-монтаж ва безак ишлари сифатини яхшилаш энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Пленумда қабул қилинган қарорда «Уй-жой-2000» программасини сифатли қилиб жадал бажаришга доир тавсиялар берилди.

(ЎзТАГ).

## ХХРдан келган меҳмонлар

Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар министрининг ўринбосари Тянь Цзэнпэй бошчилигида Ўзбекистонга келган ХХР ҳукумат делегацияси Тошкентнинг ҳаёти билан танишмоқда.

Меҳмонлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитенини ва СССР халқлари дўстлиги саройини бориб кўрдилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлдилар.

29 октябрь куни делегация аъзолари Ўзбекистон ССР Министрлар Советида қабул этилди.

Хитойлик меҳмонлар Тошкентдан ташқари Самарқандга бориб, тарихий ва меъморий ёдгорликларни кўздан кечирадилар, Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий-тадқиқот институтининг фаолияти билан танишадилар.

**(ЎзТАГ).**

